# Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амалдаги кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

Учинчи. Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак.

**Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур.**

**Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.**

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил этади.

Тўртинчи. Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш.

Бунда, мен яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият"га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак.

Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир.

Бешинчи. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

**Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор.**

Айни вақтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат ва жамоат ташкилотлари тизимини янада такомиллаштириш лозим.

## II. ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА:

Биринчидан, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституцион принципига амал қилинишини таъминлаш. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришмоқ зарур. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш даркор.

Давлат қурилиши муаммолари ҳақида гапирар эканмиз, шуни яхши англаб олишимиз лозим: давлатнинг куч-қудрати бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазйиқ ўтказувчи орган сифатидаги вазифаларини кучайтириш билан белгиланмайди.

**Давлатнинг куч-қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.**

Иккинчидан, маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий бўлиниш ва ҳокимият тузилмалари бошқарувининг етарли даражада ихчам тизими ишлаб чиқилди. Уларнинг юқоридан қуйига ва ўзаро муносабатлари тартиби белгиланди.

Эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги демократик ва бозор ислоҳотларини амалга оширишга тўсиқ-ғов бўлиб турган бошқарувнинг кўпгина ортиқча маъмурий ва бюрократик бўғинлари, давлат ва идора тузилмалари ўзгартирилди ёки тугатилди.

Шу билан бирга, марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бўғини ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини яхши ва чуқур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган яхлит самарали механизм сифатида фаолият кўрсата олмаётганини ҳам тан олиш керак.

Бу бошқарув бўғинлари ижтимоий тараққиёт ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг долзарб ва истиқболли муаммоларини ҳал этиш ўрнига кўпинча кераксиз назорат ва буйруқбозлик билан шуғулланмоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида суяги қотган ижрочилар қарор қабул қилишда мустақил, масъулиятни зиммасига олган ҳолда фаолият ва ташаббус кўрсата олмаяпти. Улар ҳамон юқоридан кўрсатма кутиб ўтириш одатидан халос бўлолмаяпти.

Биз давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги нохуш ҳолатлар — аҳоли кўз ўнгида ҳокимиятни обрўсизлантираётган порахўрлик, таъмагирлик ва коррупция кўринишлари билан бундан буён асло муроса қила олмаймиз.

Биз бундай иснод келтирувчи ҳодисаларга қарши бутун жамият билан биргаликда кескин курашмоғимиз даркор.

**Бу ерда гап мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-истагига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жамиятимизнинг олға силжишига халақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда.**

Шу билан бирга, бу тизим инқилобий ур-йиқитларсиз, тадрижий ривожланиш асосида, умуминсоний ва миллий тараққиёт қадриятларига таянган ҳолда фаолият кўрсатиши даркор.

Учинчидан, ана шу тамойиллардан келиб чиқиб, биз кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштиришимиз зарур.

**Бунда муайян лавозимга муносиб номзодлар орасидан энг муносибини танлаш йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, истеъдодли, изланувчан, замонавий билимга эга, Ватанга, она заминимизга содиқ ёшларга сўзда эмас, амалда кенг йўл очиб беришимиз шарт.**

Бу масала барча замонларда ҳам ҳеч қачон осонликча ҳал бўлган эмас. Одатда, бундай пайтларда субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қариндош-уруғчилик алоқалари ва бошқа кўп-кўп иллатлар намоён бўлади.

Афсуски, бу муаммони ҳал этишнинг тайёр йўл-йўриқларини топиш қийин. Шунинг учун кадрлар танлашнинг объектив тарзда ишлайдиган тизимини шакллантириш йўлида кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳали кўп ишлашимиз зарур.

Бу борада етакчи илмий марказлар, ўқув даргоҳлари, турли муассаса ва идораларда мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ муҳим ва долзарб, ҳал қилувчи муаммолар таҳлилига бағишланган амалий семинарлар ўтказишнинг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Айни вақтда бундай семинарлар мунтазам фаолият кўрсатиши, уларга имкон қадар кўпроқ истеъдод эгаларини жалб этиш лозим.

## III. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш.

Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади.

**Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналарнинг хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат.**

**Айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиз керак.**

Асосий эътиборни институционал ўзгаришларга, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштиришга, ривожланган бозор инфратузилмасини яратишга, рақобат муҳитини шакллантиришга қаратмоғимиз даркор. Банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади.

Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим.

Бозор инфратузилмасига хос барча муассасаларнинг ривожланиши устувор аҳамият касб этмоғи зарур. Бунда бизнес хизмати билан узвий боғлиқ бўлган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта тизимлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Биржадан ташқаридаги валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта захираларини кўпайтириш — бугунги кундаги бош йўналишдир.

Биз яна бир муҳим вазифа — миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратмоғимиз даркор.

Бунда аҳолига ва корхоналарга валюта қийматининг ўзгариб туриши натижасида таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимоя қиладиган тегишли кафолатларни яратиш, алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда давлат валюта захираларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш. Бу жараёнга тармоқни ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш.

**Биз — хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.**

**Бу муаммо, бу масаланинг қишлоқ хўжалик соҳасида ечилиши, яъни деҳқоннинг ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эгалик ҳиссиётини қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этади.**

Учинчидан, мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш тақозо этилмоқда.

Хориж сармоясининг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишига эришмоғимиз зарур.

Салоҳиятли хорижий шерикларимиз билан яна ҳам фаол ва изчил иш олиб бориш, улар билан ҳамкорликда замонавий, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги-янги қўшма корхоналар тузиш лозим.

**Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда бизнес билан шуғулланишга интилганларнинг барчаси учун энг маъқул ва қулай иқтисодий макон бўлиб қолсин.**

Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётимизда устувор ўрин олиши даркор.

**Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим.**

Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик хомашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларини сифатли қайта ишлаш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳолига хизмат кўрсатишда муҳим ўрин эгаллаши керак.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш лозим. Бунинг учун кичик ва ўрта корхоналарни тузиш шартларини соддалаштириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё ва кредит захираларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан доимий фойдалана олиш тартибларини эркинлаштириш даркор.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг банклар, бошқа бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан кундалик алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш лозим.

Кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг мамлакатимиз ичкарисида ҳам, хорижда ҳам бозорини ташкил қилиб бериш, тегишли савдо шароитларини вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

**Энг асосийси — кичик бизнесни унинг хўжалик фаолиятига асоссиз равишда аралашадиган, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишига ёрдам кўрсатиш ўрнига, халақит берадиган турли хил назорат идораларини тартибга чақиришимиз керак.**

Шу билан бирга, кичик бизнес соҳаси учун билимдон, юқори малакали бошқарувчи кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақобатбоп ва экспортбоп тайёр маҳсулотларнинг тури ва салмоғини кўпайтиришимиз, жадал ҳаракат қилиб, жаҳон бозоридан ўзимизга муносиб мустаҳкам ўрин эгаллашимиз керак.

Бунинг учун мавжуд омил ва имтиёзларга қўшимча равишда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Олтинчидан, мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Бу ўз навбатида бой табиий захираларимиз, минерал-хомашё, меҳнат ресурсларимиздан, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Иқтисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичига олган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалик хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўринда туриши зарур.

Бу жараёнда маҳаллий хомашё ва табиий имкониятлар асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, айни вақтда ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга асосий эътибор қаратилиши керак.

**Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш зарур. Чунки, бу соҳа янги иш ўринлари, хусусан, қишлоқда иш жойлари яратишнинг муҳим омилидир.**

Энг асосийси, одамлар турмуш даражасининг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига боғлиқ бўлиб, у аҳолининг даромадларини оширишда ҳам салмоқли манба бўлиб хизмат қилади. Афсуски, биз бу имкониятдан ҳали тўлиқ фойдалана олмаяпмиз.

## IV. МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДА:

**Биринчидан. Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир.**

Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат.

Иккинчи масала — жамиятимизда шаклланиб бораётган кўппартиявийлик, кўпфикрлилик шароитида ҳар қайси фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олиши жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг негизи бўлмоғи керак.

**Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт.**

Том маънода мана шундай олижаноб туйғулар миллий ғоя ва миллий мафкурамизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор.

Бу борада бугун шакл топаётган миллий мафкура концепциясини минг йиллик миллий қадриятларимизни ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига сингдириш олимларимиз, файласуф ва сиёсатшуносларимиз, умуман, илмий жамоатчилигимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

**Учинчидан. Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод — биз учун ўлмас қадриятдир.**

Шу муносабат билан такрор айтаманки, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни пайтда муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз.

**Тўртинчидан. 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз даркор.**

Оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш масаласида аввал бошлаган ишларимизни амалда давом эттириб, янада юксак даражага кўтаришимиз зарур.

Бешинчидан. Олдимизга қўйган энг эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир энг долзарб масала — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва кучайтириш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Бу масала марказда ва жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотларининг, биринчи галда, барча катта-кичик раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси ва бурчи бўлмоғи зарур. Уларнинг фаолиятини, обрў-эътиборини баҳолашда бу масала ҳал қилувчи мезон бўлишини ҳеч ким унутмаслиги лозим.

Олтинчидан. Яна бир муҳим вазифамиз — бу Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтиришдан иборат. Шу орқали юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачиғидай асраш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Еттинчидан. Ота-боболаримиздан қолган эзгу удумга мувофиқ, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зарур.

Нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга, азиз фарзандларимизга ғамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

## V. СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА:

Биринчидан. Ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак.

Иккинчидан. Давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувининг барча бўғинларида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўришимиз лозим.

Бу, биринчи навбатда, қонунни ҳимоя қилувчи ва унинг ижроси назоратини таъминловчи органларга таааллуқлидир. Яъни, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзи қонунларга сўзсиз риоя қилишини таъминлашимиз лозим.

**Учинчидан. Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак.**

**Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор.**

Суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур.

Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди.

Тўртинчидан. Аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин.

## VI. ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА:

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятининг асосини давлат миллий манфаатларининг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ мезонлари, тенглик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча баҳсли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш каби жаҳон миқёсида эътироф этилган тамойиллар ташкил қилади.

Ташқи сиёсатни амалга оширишдаги асосий вазифалар бундан буён ҳам ўзгармасдан қолади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яқин келгусидаги устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш.

Бугунги кунда бизнинг барча ташаббус ва саъй-ҳаракатларимиз минтақамизга тажовузкорона хатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро терроризмнинг ёйилиш хавфи кучайиб бораётганини кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилмоқда.

Тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва минтақамиз халқлари ҳамда давлатларининг анъанавий дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солувчи бу жиддий хавфни бартараф этиш бўйича қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриш — бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи бўлган ҳудудни барпо этиш ташаббусини амалга ошириш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Бу ҳақдаги Шартномани тайёрлашдаги доимий иштироки ва ёрдами учун биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, ядро қуролига эга бўлган қудратли давлатларга, барча манфаатдор мамлакатларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Иккинчидан, кўп йиллар давомида чўзилиб келаётган афғон муаммосининг ҳал бўлиш масаласи барчамизни ташвишга солмоқда. Бунинг натижасида қўпорувчилик, халқаро терроризм, наркобизнес, минтақамиз ва унинг ташқарисига ноқонуний йўллар билан қурол олиб кириш ва сотиш каби хавф-хатарлар сақланиб келаётганини биз яхши англаб олишимиз даркор.

Шу муносабат билан биз "6+2" гуруҳига аъзо мамлакатлар томонидан қабул қилинган "Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш принциплари ҳақидаги Тошкент декларацияси"ни кўпмиллатли Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик йўлларини излашнинг универсал дастури деб биламиз.

Мазкур декларацияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилгани учун бу нуфузли ташкилотга ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Афғонистон муаммосини ҳал қилишга Покистоннинг янги маъмурияти ижобий ёндашаётгани мазкур масалани тезроқ ечишга самарали таъсир этади, деган умиддамиз.

**Учинчидан, биз шунга аминмизки, мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришмоғимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш зарур.**

Жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнининг ажралмас қисмидир.

Америка Қўшма Штатларидек улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мамлакат билан ҳар томонлама муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга.

Биз бундан буён ҳам мамлакатимизнинг етакчи Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳаракатимизни аямаймиз.

Иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларга, шунингдек, изчил сиёсий мулоқотларга кенг имкониятлар очиб берадиган Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги Битимнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берамиз.

Осиё минтақасидаги давлатлар билан, аввало, Япония, Корея Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорлигимиз ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, қўшнимиз ва дўстимиз бўлган буюк давлат — Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётгани бизга катта мамнуният бахш этади.

Россия билан тарихан қарор топган иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларимиз Ўзбекистон учун, қолаверса, бутун минтақамиз учун ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган.

Шуни таъкидлашни истардимки, тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган, икки давлат орасидаги кўп томонлама ҳамкорлик, стратегик шерикликни кучайтириш учун бугун янги имкониятлар пайдо бўлаётгани ҳар икки томон — Россия ва Ўзбекистон манфаатларига ҳам мос келади.

## VII. ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА:

**Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови — мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва кўз қорачиғидай асрашдир.**

**Бу ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз керак.**

Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро терроризмни минтақамизга ёйишга уринаётгани шундан далолат беради.

Гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларни ноқонуний йўллар билан олиб ўтиш ва сотиш нафақат минтақамиз, балки бутун дунё хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Минтақамизда ва дунёда юзага келган вазият бугунги кунда биздан чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор тараққиётини амалда таъминлашга қодир бўлган хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади:

**Биринчи. Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир.**

Бу хавфни бартараф этиш учун одамларнинг, мана шу ҳудуддаги мамлакатлар жамоатчилигининг ҳушёрлиги ва фаоллигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак.

Халқларимиз тафаккурида юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур.

Мен Марказий Осиёда яшовчи турли миллат ва элатларнинг асрлар мобайнида шаклланган маънавий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш минтақамиз хавфсизлигининг муҳим шарти эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иккинчи. Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини ҳар томонлама кенгайтириш.

Биз иқтисодий лойиҳаларни, биринчи галда, минтақанинг бой табиий захираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть тармоқларини барпо этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишли аниқ лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш борасида куч ва имкониятларимизни бирлаштиришимиз лозим.

Айнан мана шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манфаатларига мос келиши шубҳасиз. Бу ҳамкорлик бутун минтақанинг кучли ижтимоий-иқтисодий юксалишига, шу билан бирга, унинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва ривожланишига мустаҳкам асос яратган бўлур эди.

**Учинчи. Ягона давлат сиёсати асосида армия, чегара ва ички қўшинларимизни босқичма-босқич ва изчил ислоҳ этиш.**

Биз энг юксак талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли тарзда ҳимоя қила олишга қодир, тезкор, етарли даражада таъминланган ва яхши қуролланган, профессионал тайёргарликка эга бўлган Қуролли Кучларимизни шакллантиришимиз даркор.

Тўртинчи. Давлат чегараларимизни янада мустаҳкамлаш ва унга тегишли иншоотларни барпо этиш.

Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя этишга қаратилган бутун тизим мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаши, бузғунчи-террорчи гуруҳлар ва қўпорувчи унсурларнинг сарҳадларимиздан ўтишига йўл қўймаслиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатлари ҳимоясини таъминлаши шарт.

Бешинчи. Хавфсизликнинг бўлинмас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таяниб, Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тинчликни издан чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича бу муҳим масалага халқаро тузилмаларнинг эътиборини ошириш борасидаги таклифларимизни амалда жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш даркор.

Олтинчи. Ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур.

Маҳалла қўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда биз "Чегара посбонлари" ва "Маҳалла посбонлари" каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўла фойдаланишимиз лозим.

Бу тузилмалар сафига кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чегара қўшинлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлашимиз зарур.

**Жамоат тартибини ва фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлигини сақлаши уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, теварак-атрофида рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боғлиқ эканини одамларнинг онгига етказиш ўта муҳимдир.**

**Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим.**

**Азиз юртдошларим!**

**Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз. Шуни унутмаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақаттина ўзимизнинг қўлимиздадир.**

Заҳматкаш ва фидойи халқимизнинг меҳнати, эзгу интилишлари билан кириб келаётган янги юз йиллик юртимиз учун чинакам юксалиш ва саодат асри бўлғай, иншооллоҳ.

Азиз қадрдонларим!

Инсон учун халқнинг ишончи, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишдан ортиқ бахт йўқ. Бугун мана шу юксак ва мўътабар минбардан туриб, қўлимни кўксимга қўйиб, менга билдирган улкан ишончи, ҳурмат-эътибори учун меҳнаткаш, бунёдкор, бағрикенг ва доно халқимизга таъзим қиламан.

Мен ўзимнинг энг эзгу мақсадим, ҳаётимнинг маъно-мазмунини бошлаган ижобий ишларимизни давом эттириш, ҳар бирингизнинг эртанги кундан кутаётган орзу-умидларингизни рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилиш, деб биламан.

Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бошқа улуғ саодат йўқ.

Барчангизга соғлик-омонлик, хонадонларингизга қутбарака тилайман.

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Эзгу ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

# ЧЎЛ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, Навоий кон-металлургия комбинати «Дўстлик» ордени билан тақдирланди

**Жаҳонда олтин қазиб олиш магнатлари бармоқ билан санарли. Ўзбек Элдорадоси деб тан олинган Навоий кон-металлургия комбинати қимматбаҳо металлар — олтин, кумуш ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича дунёда тўртинчи, сифат жиҳатидан эса биринчи ўринда туради. Комбинат олтини бежиз Лондон, Мадрид, Женева, Токио халқаро биржаларининг олтин медалларига сазовор бўлмаган. Оллоҳнинг қудратига тан бермай илож йўқ: сифатлилик даражаси — 99,99! Янаям ҳайратланарлиси, ўз бағрида не-не хазиналарни яширган Қизилқумнинг олтин захираси 16 фоизигина ўрганилган ва айни кунда унинг атиги 6 фоизидан фойдаланилаётир. Шу далилнинг ўзи XXI асрга шаҳдам одимлар билан кириб бораётган Ўзбекистоннинг катта имкониятидан далолат беради.**

Маълумки, комбинатга бундан 40 йил аввал асос солинган эди. Узоқ давр мобайнида у собиқ Иттифоқнинг саноат мажмуалари манфаатларига хизмат қилди. Поёнсиз Қизилқум этагида улкан корхонанинг бошқарув иккиламчи ташкилотлари, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, марказий руда бошқармаси, сал кейинроқ бошқа нодир металлар қазиб олиниши муносабати билан Шимолий руда бошқармаси ташкил этилди. Зафаробод, Нуробод шаҳарлари қад кўтарди.

Эски Кармана темир йўл бекатига қурувчилар эшелон билан келган комбинатнинг биринчи директори З. Зарапетян бошлиқ қирқ чоғли қурувчилар ишларни бошлаб юбордилар. Орадан роппа-роса 10 йил ўтгач, аниқроғи, 1969 йилнинг 21 июлида Зарафшон шаҳридаги 2-гидрометаллургия заводи биринчи олтин қуймасини ишлаб чиқарди. Ўшандан бери корхона белгиланган давлат буюртмасини ошириб бажариб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтирмоқда.

Қизилқум табиий бойликларини ўзлаштиришга киришилиши минтақада бошқа саноат корхоналарининг пайдо бўлиши ва жадал ривожланишига туртки бўлди. Навоий шаҳрида иссиқлик ва электр ишлаб чиқариш станцияси, улкан кимё корхонаси, қурилиш-монтаж гигантлари, машинасозлик заводи вужудга келди. Қизилқум саҳроси бағрида қад кўтарган замонавий шаҳарлар инсон матонати ва меҳнатига қўйилган ҳайкалдир, десак асло лоф бўлмас. Аслида, бу чинакам дўстлик, аҳиллик ва биродарликнинг амалдаги мўъжизасидир.

*Эътироф*

Мустақиллик комбинат ҳаётида туб бурилиш даврини бошлаб берди. Эндиликда чўл бағридан қазиб олинаётган табиий бойликлар том маънода халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда. Зарафшон шаҳрида тилла буюмлар заводи, «Агама» давлат трикотаж фабрикаси, «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси, Қизилқум фосфорит комбинати, Учқудуқда олтин сараловчи янги завод ишга туширилди. Кончиларнинг машаққатли меҳнати ва эл-юрт олдидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида рағбатлантирилмоқда. Чунончи, комбинат бош директори, «Қизилқумноёбметаллолтин» давлат концерни раиси Николай Кучерский ва Мурунтов кони экскаваторчилар бригадаси бошлиғи Анатолий Панин Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Юзлаб ишчи-хизматчилар эса мустақил давлатимиз орден ва медаллари билан тақдирланди. Айни кунда бир қанча хорижий компания ва фирмалар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Ўтган йили комбинатда олтин қазиб олиш 2,03 фоизга, кумуш 7,4 фоизга ошди, белгиланган режа миқдорида фосфорит рудаси қазиб олинди. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, кон саноатида технологик жараёнларни кенг татбиқ этиш диққат марказида турган масалалардан биридир.

Энди комбинатнинг Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи ҳақида икки оғиз сўз. Бу корхона 1995 йил июн ойида фойдаланишга топширилди. Шўро даврида 17 йилга чўзилган завод қурилиши мустақиллик шарофати билан 14 ойда ниҳоясига етказилди. Унинг очилиш тантаналарида республикамиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Дунёдаги олтин қазиб олиш билан шуғулланувчи бирталай мамлакатларнинг вакиллари инсон ақлу заковати, салоҳиятига яна бир карра тан бердилар. Ўша ҳаяжонли дақиқалар ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдида.

Кончилар ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Минглаб ишчиларни ўз бағрига олган комбинат меҳнат жамоаси Президент Фармонига кўра, ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бунинг замирида теран маъно бор. Комбинат аҳли ўз умрини ва ҳаётини кончилик ишига бағишлаган 2-гидрометаллургия заводи директори Валерий Степура, Марказий руда бошқармаси бошлиғи Геннадий Прохоренко, меҳнат фахрийси Хадия Габдуракипова, геолог Ҳамид Шарипов, шифокор Абдураҳмон Нуримбетов, комбинат хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Аҳмедова, Марказий кон мутахассиси Тамара Удэ, комбинат бош муҳандиси Евгений Толстов сингари турли миллатга мансуб юзлаб фидойилари билан ҳақли равишда фахрланади. Ҳукуматимизнинг юксак мукофотини тинч ва осуда ҳаётимизга ярашиқли миллатлараро дўстлик ва аҳилликнинг эътирофи, деб баҳоламоқ жоиз.

**П. ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ФАРАНГИ УСКУНАЛАР ҲАМ ЧЎТ ЭМАС

*Шаҳрисабздаги Ғани Бобоёров номли жамоа хўжалигида «Шаҳриинтернейшл» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси иш бошлаганига анча бўлди. Ҳозир қўшма корхонада кунига 2-2,5 тонна мой, 6-7 тонна чорва озуқаси ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими қишлоқ кишилари Франциядан келтирилган замонавий ускуналарни бошқаришни аллақачон ўзлаштириб олишган.*

**СУРАТДА:** қўшма корхона ишчиси Содиқжон Норов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

Ёшлар ва жаҳон

# ТАЪЛИМ — УМУМБАШАРИЙ МУАММО

**Гавай оролида Халқаро ёшлар конгресси бўлиб ўтганига кўп бўлгани йўқ. БМТнинг ихтисослашган ЮНЕП ташкилоти ва «Peace Child International» халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган ушбу анжуман «Кейинги минг йилликда жаҳон муаммолари ва ёшлар» мавзусига бағишланган эди. Бунда жаҳоннинг барча мамлакатларидан 800 нафардан зиёд ёшлар иштирок этишди. Жумладан, Ўзбекистондан ҳам мен талабалар вакили ва Диёра Маҳмудова мактаб ўқувчиларининг вакиласи сифатида қатнашдик.**

Бизни Конгресс бўлиб ўтадиган Гавай оролларининг маркази — Гонолулу шаҳрида жуда илиқ кутиб олишди ва америкалик оилаларга меҳмон сифатида жойлаштиришди.

Анжуман бошланиб, БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Конгресс иштирокчиларига йўллаган табрик мактуби ўқиб эшиттирилди.

Конгрессда «Кейинги минг йилликда инсоният олдида қандай оламшумул муаммолар турибди?» деган савол қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу жараёнда ҳар бир қитъа вакиллари алоҳида ишчи гуруҳларида иш олиб боришди. Минтақалар вакиллари ўз йўналишларидаги муаммоларни аниқлаб олишгач, минтақалараро учрашув бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вакиллар ўзлари танлаган йўналишларга овоз беришди. Барча маълумотлар умумлаштирилганда кейинги минг йилликда ечимини кутаётган қуйидаги умумжаҳон муаммолари электрон таблодан жой олди:

— таълим;
— экология;
— инсон ҳуқуқлари;
— уруш ва тинчлик;
— саломатлик.

Дастлабки учта муаммо кейинги минг йилликнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Очиғи, ушбу натижалар мутлақо кутилмаган воқеа бўлди. Чунки 70-йилларда ёшлар умумбашарий муаммо сифатида уруш ва тинчлик масаласини кўрсатишган эди. Зеро, ўша даврларда, «совуқ уруш» авжига чиққан, ядро қуроли хавфи одамларни таҳликага солиб турар эди. 80-йилларда эса дунё ёшлари экология муаммосига асосий эътиборни қаратишган, уруш ва тинчлик масаласи кейинги ўринга тушиб қолган эди. Дарҳақиқат, ўша кезлар жаҳонда саноат, иқтисоднинг юқори суръатларда ривожланиши натижасида экологик мувозанатга дарз кетиб, табиий муҳит ёмонлашган эди.

Мана, инсоният тарихида бошланаётган янги давр — учинчи минг йиллик бўсағасида бўлиб ўтган Халқаро ёшлар конгрессида энг асосий умумбашарий муаммо сифатида таълим соҳаси танлаб олинди. Шундай қилиб, жаҳон ёшлари учинчи минг йилликнинг асосий йўналиши таълим бўлиши керак, деган хулосага келишди. Чунки ҳар бир муаммонинг ечими бевосита ана шу масалага бориб тақалади. Мен Ўзбекистон вакили сифатида Конгресс минбаридан туриб шундай дедим:

— Мана, биз таълимни асосий йўналиш сифатида белгилаб олдик. Бу жуда тўғри, албатта. Масалан, бизнинг Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов бундан 2 йил олдин таълимни мамлакат тараққиётининг асосий стратегик масалаларидан бири сифатида белгилаб берган эди. Ҳозир мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига жуда катта эътибор қаратилаяпти. Ҳатто шу асосда республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам қабул қилинган.

Тенгдошларим менинг сўзларимни катта қизиқиш билан тинглашди ва қарсаклар билан олқишлашди.

Конгресс 6 кун давом этди. У ерда жонажон Ватаним байроғининг бошқа юзлаб мамлакатлар байроқлари орасида мағрур ҳилпираб турганини кўриб, бениҳоя ғурурландим.

Анжуманнинг бешинчи куни барча мамлакатлар вакиллари ўзларининг миллий кийимларини намойиш қилишди. Мен ҳам беқасам тўн кийиб, сайёрамизнинг турли чеккаларидан келган дўстларимга халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадимий маданияти ва санъати ҳақида сўзлаб бердим. Анжуман давом этаётган кунларда Арманистонда террорчилик воқеалари содир этилди. Бу хабарни эшитгач, Конгресс иштирокчилари ўринларидан туриб, бу воқеа оқибатида қурбон бўлганлар хотирасига бир дақиқа сукут сақлашди.

Шундан сўнг, бутун дунё ёшлари бир овоздан терроризм каби жирканч иллатга қарши биргаликда курашишга ва бутун дунёда унинг илдизини қуритишга, бу йўлда ҳаётларини ҳам қурбон қилишга тайёр эканликларини изҳор қилишди. Чунки терроризмнинг миллати ҳам, давлати ҳам йўқ, бу умумбашарий хавфдир. Ватанимиз пойтахтида содир этилган мудҳиш феврал воқеалари мисолида бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Халқаро анжуманнинг сўнгги кунида ҳар бир давлат вакиллари кейинги минг йилликда амалга ошириладиган лойиҳа ва режаларни Конгрессга тақдим қилишди. Бу ҳужжатлар таълим, экология, инсон ҳуқуқлари, тинчлик, саломатлик каби соҳаларни ривожлантиришга мўлжалланган эди. Мен Ўзбекистон вакили сифатида «Ҳуқуқий таълим» ва экология соҳасида «Оролбўйи атроф-табиий муҳитини муҳофаза қилиш» тўғрисидаги лойиҳаларни тақдим этдим.

Конгрессда ЮНЕП билан «Peace Child International» ташкилотлари атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга бағишланган «Pachamama» (Она-Ер) қўшма лойиҳасини тақдим қилди. Бу лойиҳанинг мақсади — она-сайёрамиз табиатини асраб-авайлаш, эъзозлашни мактаб ўқувчиларига тарғиб қилишдан иборат.

Анжуман охирида биз, дунё ёшлари унга тақдим қилинган лойиҳаларнинг ҳисоботини эшитиш учун 2003 йилда Марокаш қироллигида учрашишга қарор қилдик.

**Мавлон МУҲИТДИНОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти II курс талабаси.**

## ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Янгийўл шаҳар ҳокимлигининг кўмагида Ногиронлар жамияти ва Мурувват уйига бепул дори-дармонлар тарқатилди. Бу борада «Экосан» жамғармаси ва Қизил Ярим ой жамияти шаҳар бўлимларининг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, «Соғлом авлод йили»да аҳолини спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда 12 та маҳалла ўртасида спортнинг теннис, шахмат-шашка каби турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Унда Нодирабегим, Назарали Ниёзов номли маҳаллалар вакиллари ғолиб бўлдилар.

**«Туркистон-пресс»**

Қарор ва ижро

# КУЗАТУВ ПОСТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари экинларни пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида декабр, январ ойларида йигирмадан зиёд қўшма рейд ўтказдилар.**

— Қишнинг кўпинча қуруқ, деярли ёғингарчиликсиз ўтиши яйловларда, экинзорларга туташ майдонларда ушбу мавсумда чорва молларини боқиш имконини беради, — деди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Убайдулла Абдуллаев. — Бу эса ғаллазорларни қўриқлашдек муҳим тадбирни уруғ ерга қадалиб ҳосил омборга келтирилгунга қадар узлуксиз давом эттириш заруриятини тақозо этади. Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида назоратчилар таркибига ички ишлар тузилмалари ходимлари билан биргаликда маҳалла посбонлари, мулк эгалари, хўжалик раҳбарлари ҳам киритилди. Маҳаллаларда, мактабларда олиб борилган кенг кўламдаги тушунтириш ишлари, мулоқотлар ўз самарасини бермоқда. Жойларда ғаллазорларни пайҳон қилиш, буғдой ниҳолларини молларга едириш ўз ризқ-рўзимизни қийиш эканлигини тушунган фуқароларимиз ходимларимизга яқиндан кўмак беряптилар. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, эл-юртнинг фикр-ўйини назар-писанд қилмайдиган, ўз ҳузур-ҳаловатини кўпчилик манфаатидан устун қўювчи кимсалар ҳам учраб туради.

Вилоят ИИБ дан олинган маълумотларга кўра, Бекобод тумани Бекобод жамоа хўжалиги 4-бўлимида яшовчи Абдулла Эгамбердиев 13 бош отини қаровсиз қолдириб, 13 сотих майдондаги ғаллазорга зарар етказган. Мазкур жамоа хўжалиги аъзоси И. Рустамов 5 бош отини далага ҳайдаб, 7 сотих ердаги буғдой ниҳолларининг пайҳон қилинишига йўл қўйган. Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номли хўжалик бригада бошлиғи Холмат Боймақовнинг экинзорларга қоровул қўймаганлиги оқибатида эса 6 сотих майдондаги ниҳоллар молларга едирилган. Юқорида номлари келтирилган шахслардан зарар ундирилиб, қонуний чоралар кўрилди.

Вилоятда 1998-1999 йил ғалла мавсумида экинзорларни пайҳон қилиш бўйича 299 та ҳолат аниқланган бўлса, ўтган йилнинг ноябрь, декабр, жорий йилнинг январ ойи биринчи ярмида 31 та шундай ҳолат қайд этилди. Бу халқимиз ризқ-рўзи бўлмиш ғаллазорларни қўриқлашда тузилма ходимларининг мутасадди ташкилотлар, маҳалла, мактаб маъмурияти билан ҳамкорликдаги ҳаракатининг яхши самара бераётганлигидан далолатдир.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят экинзорларининг пайҳон қилиниши мумкин бўлган ҳудудларда 250 дан зиёд кузатув постлари ўрнатилди.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

## 10 МИЛЛИОН СОФ ФОЙДА

Нукус тажриба-механика заводи ўтган йилни дуруст якунлади. Истеъмолчиларга 85 миллион сўмлик металл конструкциялари тайёрлаб берилди. Заводнинг мижозлари орасида Марказий Осиёда ягона саналадиган Қўнғирот сода заводи ҳам бор. Мураккаб металл конструкциялари давлат стандартлари даражасида тайёрланди. Улар пешма-пеш қурилиш майдонига жўнатилмоқда.

— Қурилиш индустриясига ҳам жаҳон андозалари кириб келмоқда, — дейди цех бошлиғи Раҳмонберган Есемуратов. — Металл буюмларни энг сўнгги технологиялар асосида тайёрлашга ўтдик. Бундан ташқари, бозор муносабатлари ишловчилар манфаатини уйлашга ўргатмоқда. Йил якунига кўра 10 миллион сўм соф фойда олдик. Жорий йилда бу натижани яна ҳам кўпайтирмоқчимиз.

# СОҲА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН

Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат инвестиция дастури ҳамда мажмуа соҳалари ижтимоий-иқтисодий ривожининг 1999 йилги якунлари, 2000 йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев бошқарди.

Қайд этилдики, ўтган йили республика қурувчилари самарали ва малакали меҳнат қилиш йўлида ўзларининг барча имкониятларини ишга солди. Натижада йил кўп жиҳатдан муваффақиятли якунланди. Белгиланган кўрсаткичлар тўлиқ бажарилди. 503,2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Капитал маблағ хорижий инвестициялар ҳисобидан 22,7 фоизга ўсди.

Мулкчилик шакли турлича бўлган барча қурилиш ташкилотлари умумий қиймати 294,6 миллиард сўмлик пудрат ишларини бажарди. Бу нафақат 1998 йилги шундай кўрсаткичдан, балки 1999 йилги мўлжалдан ҳам юқоридир. Шуни қайд этиш керакки, кичик корхоналар ва хусусий қурилиш ташкилотларида ҳам меҳнат суръати анча юқори бўлди.

Ўтган йили “СамКочавто”, “Кабул-Ўзбек Ко”, “Косонсой-Текмен”, “Даритал” каби қўшма корхоналар, Хўжаобод ер ости газ омбори, Ангрендаги каолин бойитиш фабрикаси каби йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Бунда республика қурилиш корхоналари ва ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлди.

Тураржой, сув ва газ тармоқлари қурилиши бўйича ҳам йиллик топшириқлар бажарилди.

Шу билан бирга, йил якунлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қурилишда ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Пудратчи ташкилотлар, буюртмачилар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла риоя қилмаяпти, аввалгидек, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари сақланиб қолмоқда. Акциядорлик жамиятларида назоратчи кенгашлар ва ижро органлари аъзоларининг фаоллиги, айниқса, моддий-техник базани ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш масалалари борасида сустлашиб кетган. Мазкур сабаблар соҳа корхоналари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари 2000 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурини тўлиқ бажариш учун зарур бўлган чора-тадбирларни, ҳамда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва капитал қурилиш бошқаруви таркибини такомиллаштириш борасидаги вазифаларни белгилади.

**(ЎзА).**

*Қўшхабар*

## «ҚИЗИЛҚАЛЪА»ДА ИШ ҚИЗҒИН

Беруний туманидаги «Қизилқалъа» ширкат хўжалигининг пай аъзолари масъулиятли мавсум ҳисобланган қишловни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Мавжуд 14200 бош қўй-эчки зооветеринария талаблари асосида боқилаётир.

Ширкат хўжалигида 9750 бош совлиқ бор. 45 отарнинг ҳаммасида қўзилатишга пухта тараддуд кўрилмоқда. Айни паллада тумандаги барча ташкилотлар, пахтакор ҳам, қурувчи ҳам, боғбон ҳам қўйчивонга мададга келди. Отарлардаги қудуқлар яна бир бора кўздан кечирилди, чорвадорларга савдо, тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳар қачонгидан яхшиланди.

Мулкий пай чорвадорларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини оширмоқда. Айниқса, пайчилардан Ғ. Раҳматов, Қ. Жумахонов, Э. Садваққосовларнинг отарларидаги қўй-эчкилар соғлом ўсмоқда.

— Ширкат хўжалигимизга бириктилган яйловлардаги гиёҳларда ҳикмат бор, — дейди хўжалик раиси Оллоберган Исҳоқов. — Энг ноёб сур терилар бизда учрайди. Бу галги қўзилатишда ҳам сифатли ва ноёб тери етказиш бўйича олган топшириқларимизни ортиғи билан бажарамиз. Камида 60 фоиз қўзиларни ўсишга қолдирамиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Китоблар оламида*

# МАЪНАВИЯТ ПЕДАГОГИКАСИ ТАҲЛИЛИ

**«Соғлом авлод йили»нинг бошида «Ўқитувчи» нашриёти республикамиз китобхонларига янги бир маърифий асарни туҳфа қилди. Республикамизнинг пешқадам олима аёлларидан профессор Ойниса Мусурмонованинг «Оила маънавияти — миллий ғурур» номли китоби нашрдан чиқди. Китобда республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислоҳотлар мазмунини оилалар билан боғлаб тавсиф этилади.**

Китобда «Шахс-Оила-Жамият-Давлат» тушунчаларининг маънавий бирлиги масаласи очиб берилган. Бу бобда, аввало, миллий давлатчилигимиз тарихидаги беназир анъана — оилаларнинг ролини ошириш тикланаётганлиги кўрсатилса, иккинчи томондан, бу вазифани амалга оширишнинг йўл-йўриқлари илмий, содда тавсиялар асосида таҳлил этилади.

Китобда ота, она, фарзандлар, қайнона, қайнота, қариндошлар орасидаги мулоқот, муносабат масаласига махсус ёндошилган. Бу эса ҳозирги фан ва техника ривожланган, «вақт тиғизлиги» муаммоси мавжуд даврда ўзбекона мулоқот масаласини ҳаёт билан боғлаб, унинг янгича талқинини ҳосил қилган. «Отанинг онага, онанинг отага бетакаллуфлиги, бир-бирига қўпол муомаласи, ҳаётий қийинчиликларни енгишдаги, бола тарбиясидаги турли фикрлилик шу оиладаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келади», деб ёзади олима.

Китобда замонавий оила тарбиясининг энг долзарб масалалари кўтарилади. Китобхон ундан ота-она обрўси, тежамкорлик, оиланинг маънавий муҳити, сармояси, муносабатлари, ўғил ва қизлар тарбияси, бўш вақт масаласи, оилада болаларнинг ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, маънавий тарбияси, ҳуқуқий маданият, ёшларни оила қуришга қандай тайёрлашга бағишланган янги билимлар мажмуасини топади.

Китобнинг «Тарбия ҳикмати — истиқбол қудрати» бўлими бевосита ота-оналарнинг миллий педагогик маданиятини юксалтиришга қаратилган. Буни қуйидаги сатрлар тасдиқлайди: «Ота-онанинг бир-бири билан «Адажониси», ёки «Ойижониси» деб мурожаат этишлари, «Раҳмат», «Марҳамат», бирон жойга борилаётганда «Яхши бориб келинг», ёки «Бехатар бориб келинг», «Яхши келдингизми» каби сўзларни ишлатишлари шу оила аъзолари барчаси ўртасидаги муомалани тўғри йўлга қўяди, фарзандларнинг отага нисбатан ҳурмати, меҳр-муҳаббатини оширади, ота-она улар учун идеал бўлиб қолишларига ёрдамлашади».

Ўзбек педагогикаси оилавий маънавий тарбиянинг бой анъаналарига эга. Бунинг ёзма манбаларига Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» китоблари ва бошқалар мисол бўла олади. Биз тилга олган китобда орада 70 йилдан ортиқ давом этган узилишни таҳлил этиб, муаллиф шундай дейди: «Оила тарбияси мазмуни коммунистик ғоялардан тозаланиб, миллий тарбия мезонлари асосида амалга оширила бошланди».

Китобда мустақилликни мустаҳкамлаш учун ўта зарур бўлган инсоний фазилатлар шарҳланади. Салбий сифатлар — ақидапарастлик, риёкорлик, ичкиликбозлик, хиёнаткорлик, гиёҳвандлик, носоғлом эътиқод муросасиз танқид остига олинган. Тарбиявий ишдаги хатолар ва уларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар берилган.

Шу пайтгача Ўзбекистон педагогикасининг тарбия назарияси ва услубиятида бир нотўғри ёндашув бор эди. Яъни, ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганида педагоглар нуқул ижобий сифатлар тўғрисида қайғурар эдилар. Салбий сифатларни гапирмаслик, муҳокама қилмаслик, бартараф қилмаслик педагогик лоқайдликни шакллантирди. 16 феврал воқеалари бу лоқайдлик устидаги пардани олиб ташлади. Демак, энди Ўзбекистон педагогикаси соғлом авлодда нафақат ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғурурни ривожлантириш, балки айрим ёшларимизда учраётган эътиқодсизлик, лоқайдлик, бефарқлик, ғарб эстетикасига кўр-кўрона эргашиш сабабларини ҳам махсус ўрганиб, бартараф қилмоғи керак. Ана шундагина педагогика соғлом авлоднинг янги, истиқлолий характерини тарбиялашга, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга тўла хизмат қилган бўлади.

Биз ҳар бир фуқаронинг давлат, миллат даражасида фикрлашига эришиш учун саъй-ҳаракатлар қилаяпмиз. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш шуни тақозо этмоқда. «Оила — кичик давлат» деган умумиэътирофни назарда тутсак, миллий давлатнинг ўзи бир катта оила бўлиб чиқади. Ўзбекнинг ўз миллий давлатига муносабатини қандай шакллантиришни унинг ўз оиласига муносабатидан ўрганмоқ керак.

Профессор О.Мусурмонова бу масалани соғлом маънавият, соғлом истиқлолий эътиқодга боғлаб ҳал қилиш мумкинлигини айтиб, шундай дейди: «Эътиқод мустақиллиги инсоннинг келажагини, ҳаётдаги ўрнини белгиловчи маёқдир. Соғлом фикрли, соғлом эътиқодли ота-она ўз фарзандига ҳам энг катта бойлик сифатида соғлом, эркин эътиқодни мерос қолдирсагина, мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиёти учун фидокор фуқароларнинг келажак авлодлари камол топиши муқаррардир».

Хуллас, педагогика фанлари доктори, профессор О.Мусурмонованинг «Оила маънавияти — миллий ғурур» китобининг чоп қилиниши «Аёллар йили» ва «Соғлом авлод йили»ни бир-бирига маънавий-маърифий боғловчи муносиб илмий, ижодий армуғон бўлди.

Китоб миллий маънавиятни илмий-амалий тушуниш, тушунтириш, тарғиб-ташвиқ қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

**М. ҚУРОНОВ,**
**педагогика фанлари доктори.**

# ДАСТУРГА КИРИТИЛИБ, ИШЛАР БОШЛАНДИ



«Маҳалламизда 12 та кўча бўлиб, унда 5000 аҳоли яшайди. Қизиғи шундаки, 11 та кўчада канализация бор, илло бизнинг Амир Умархон кўчасига келганда четлаб ўтишди. Илтимос, ушбу масалада бизга ёрдам беринглар.

**Аёллар арзини оққа кўчирувчи: Мадамин Ражаб, уруш ва меҳнат фахрийси».**

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*

Ушбу арзнома Қўқон шаҳар ҳокимлигига моҳиятан кўриб чиқиш учун юборилган эди. Яқинда шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб А. Хўжаевдан жавоб мактуби олинди. Унда айтиладики, канализация ўтказиш масаласида ёзилган хат шу ишга мутасадди ходимлар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан, шаҳримиздаги А. Умархон кўчаси фуқаролари томонидан мазкур кўчага канализация ўтказиш масаласи қўйилган. Бу масала шаҳримиздаги «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан ўрганилиб, қатъий назоратга олинган.

Лекин ҳозирги кунда бу иш амалга оширилмаётганлигининг асосий сабаби шаҳар ташқарисидаги мавжуд «Сувоқава» иншоотининг қуввати шаҳардан оқиб чиқадиган оқава сувларни тозалаш имконини бермаётганлигидадир.

Ҳозирги кунда мазкур тозалаш иншоотининг қувватини ошириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, у вилоят миқёсидаги дастурга киритилган, қурилиш ишлари бошланган.

# КАЛОМ ИЛМИНИНГ САРБОНИ

Улуғ сиймолар

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда улуғ аждодимиз — самарқандлик мутакаллим аллома, калом илмининг асосчиларидан бири, мусулмон оламидаги энг йирик суннийлик калом мактаби — мотуридийликнинг асосчиси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий ал-Мотуридий (870-944) таваллуд топган куннинг 1130 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори эълон қилинди.**

Ислом динининг ўзига хос фалсафий қирраларидан ҳисобланган калом илмининг ушбу йўналиши аҳамиятини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, ҳанафий мазҳабдаги мусулмонларнинг 70 фоизга яқини ал-Мотуридий мактабининг издошларидир. Қолган қисмини яна бир машҳур мутакаллим аллома — ал-Ашъарий (873/874-935 ёки 941) мактабининг издошлари — ашъарийлар ташкил этади.

XIV асрдаёқ суннийлик йўналишидаги илоҳиётчи олимлар томонидан исломий ақидаларнинг диний уламоларга кўр-кўрона эргашиш йўли билан эмас, балки ақлидрок орқали тушунтирувчи илм — каломнинг умум эътироф этилган иккита йўналиши мавжудлиги ҳақидаги фикр узил-кесил қарор топди. Илоҳиётнинг ушбу икки муҳим йўналишдан бири — ал-Мотуридий мактаби эди. Шунинг учун ҳам, таниқли араб мутакаллими ал-Ашъарий билан бир қаторда, ал-Мотуридий, ҳақли равишда, калом илми камолот чўққисига кўтарилган даврнинг етакчи вакили ҳисобланади.

Алломанинг асосий тадқиқоти бўлган “Китоб ат-тавҳид” (“Яккахудолик ҳақидаги китоб”) билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётшунослигининг биринчи асари ҳисобланади. “Китоб ат-тавҳид”нинг калом илми таърифи берилган муқаддимасида билимнинг уч манбаи: ҳиссий қабул қилиш, ахлоқий тафаккур ва инсон ишончли манбалардан олиши мумкин бўлган анъанавий ахборотлар мавжудлиги ҳақида гапирилади. Ал-Мотуридий концепциясининг аҳамияти шундаки, у соф дин доирасидан чиқиб, ақл-идрокни улуғлайди ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Ал-Мотуридий ғоялари туфайли калом илми анъанавий исломий мафкура даражасидан диннинг асосий қоидаларини ақл-идрок асосида талқин қилишгача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Ушбу ғоялар ислом динининг асосий тамойилларига мувофиқ келарди. Шу билан бирга, уларда рационалистик унсурларнинг ривожлантирилганлиги туфайли, бу ғоялар диннинг мутаассибларча талқин қилинишига зарба берарди. Самарқандлик мутакаллим алломанинг диний арбобларга кўр-кўрона бўйсунишни рад қилиб, инсон заковатини улуғловчи таълимоти, моҳият жиҳатидан, ислом динини мутаассибларча идрок этишга қарши бўлиб, диндан омма онгини радикаллаштириш ва бузғунчи кучларни бирлаштириш мақсадларида фойдаланиш каби интилишларга қарши қудратли восита бўлиб хизмат қилишга қодир.

Ал-Мотуридий таълимоти бутун ислом оламида кенг ёйилганига қарамай, ўзи туғилиб ўсган диёрда алломанинг номи ҳам, асарлари ҳам узоқ вақт унутилишга маҳкум бўлиб қолди. Энг машҳур мутакаллимлардан бири Самарқанд чеккасидаги Мотурид (ҳозирги Морит) маҳалласида туғилгани, маҳаллий ҳанафий фақиҳлардан таълим олиб, шу ўлкада ўз асарларини яратгани, фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) ва калом (илоҳиёт) илмларидан дарс бергани ҳақида мамлакатимиздаги камдан-кам одам биларди. Ваҳоланки, ўрта аср муаллифлари ва ҳозирги замон тадқиқотчилари асарларида келтирилган ал-Мотуридий ҳақидаги ўта қисқа маълумотларда унинг қадимий ўзбек



тупроғида туғилиб, вояга етгани ва камолот чўққисига кўтарилгани тўғрисидаги хабарлар биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Аллома хорижий илоҳиёт мактабларининг таъсиридан ҳоли Самарқанд ҳанафийлик илоҳиёт таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшди.

Хорижий мусулмон оламида ал-Мотуридийнинг номи ва таълимоти яхши маълум. Деярли барча мусулмон мамлакатларида ал-Мотуридийнинг диний-маънавий меросига бағишланган тадқиқотлар олиб борилади. Аммо, минг афсуски, алломанинг фаолиятига оид маълумотлар бизгача жуда кам миқдорда етиб келган. Бунинг сабабларидан бири ал-Мотуридийнинг ўз асарларини араб халифалиги марказидан узоқда ва ҳукмрон доираларнинг ёрдамисиз яратганлигидир. Шу туфайли, унинг номи ўрта аср манбаларида ҳам камдан-кам тилга олинади. Кейинчалик, унинг асарлари оммалашиб боргани сари, баъзи олимларда ал-Мотуридий “Шарқнинг иккинчи ал-Ашъарийси” ёки “Куфалик мутакаллим Абу Ҳанифанинг истеъдодли шарҳловчиси” деган нохолис фикрлар пайдо бўлди. Араб дунёсида узоқ йиллар ҳукмрон бўлган бундай қарашлар аллома мустақил тарзда эришган ютуқларнинг инкор қилинишига, унинг асарлари туфайли калом илмида пайдо бўлган янгиликлар аҳамиятининг пасайтирилишига сабаб бўлди. Самарқандлик ҳанафий олимларнинг Абу Ҳанифа меросини сақлаб қолишга интилиб келганлари тарихий ҳақиқат. Лекин ал-Мотуридий ўзининг кўпчилик салафлари ва замондошларидан фарқли ҳолда, ҳанафийлик таълимотини ноараб халқлар менталитетига мувофиқлаштириш билан унинг ривожига муҳим ҳисса қўшган эди.

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб Ғарб олимларида ҳам ал-Мотуридий меросига кучли қизиқиш пайдо бўлди. Ғарбда мазкур йўналишда дастлабки муҳим қадамлар қўйилди: олимнинг асосий асарлари — “Китоб ат-тавҳид” ва “Таъвилот аҳл ас-сунна” (“Суннийлик анъаналари шарҳи”)дан сақланиб қолган қўлёзма матнлар нашр қилинди ва қисман тадқиқ этилди. 1997 йили аллома ҳақидаги биринчи йирик тадқиқот — Геттинген университетининг профессори Ульрих Рудольфнинг “ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиётшунослиги” номли асари немис тилида нашр этилди. Ушбу асарнинг юксак илмий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси 2000 йилда унинг ўзбек тилидаги нашрини тайёрламоқда. Ғарб олимларининг таъкидлашича, бу иш ҳозирги исломшуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири — калом илми моҳиятини кўп жиҳатдан белгилаб берган ал-Мотуридий меросини теран тадқиқ этишни бажаришга ёрдам беради. Бу каби тадқиқотлар ислом дини ҳақидаги билимларимизни кенгайтирибгина қолмай, халқимизнинг бой маънавий меросини, унинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб беришга ҳам хизмат қилади. Шўро даврида, барчага яхши маълум сабабларга кўра, бундай тадқиқотларни амалга оширишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Фақат Ўзбекистон Республикасининг янгича сиёсати ҳамда маънавиятимизнинг бош ҳомийси Ислом Каримовнинг жасоратигина ушбу мантиқсизликка чек қўйди.

Энг сўнгги тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ал-Мотуридий ўзига хос ғоявий концепциянинг муаллифи бўлган. У қуруқ сўзлардан иборат янги диний ғояларни шакллантириш билан чекланиб қолмасдан, мусулмонларнинг борлиқ тартиботи ҳақидаги тасаввурларига мос тафаккур тизимини яратдики, кейинчалик у кўп халқлар томонидан қабул қилинди.

Ал-Мотуридий доимий мулоқотда бўлган диний муҳит учун хос қадарий (азалий тақдирга асосланган, фаталистик) таълимотлардан фарқли ўлароқ, унинг концепцияси инсонда эркин танлаш имконияти мавжудлиги ҳақидаги қарашларга асосланган.

Ал-Мотуридий ғояларининг эркин демократик тараққиёт йўлидан бораётган бизнинг жамиятимиз учун долзарблиги бугун яққол кўзга ташланиб турибди. Оламнинг тузилиши, худо ва инсон ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, инсон хатти-ҳаракатларини белгиловчи омиллар ҳақидаги алломанинг қарашлари ўз қимматини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Ал-Мотуридий ўз баҳсдошлари билан бўлган мунозараларда инсонга хос бўлган адашишларнинг асосий сабабларидан бири — кўплаб одамларнинг қандайдир маънавий ёки диний даҳоларга, уларнинг қарашлари ва хатти-ҳаракатлари моҳиятини англаб етмай туриб эргашишларидир, деб белгилайди. Худди шу туфайли, кўплаб сохта таълимотлар жамоатчилик фикридан усталик билан фойдаланувчи ва ўзларини ҳақиқатни биладиган ягона кишилар деб даъво қилувчи сохта “пешволар”га кўр-кўрона эргашувчи, билими заиф ва масъулиятсиз кишилар даврасидан ўз тарафдорларини топмоқда.

“Китоб ат-тавҳид” бошидан охиригача ҳар бир инсоннинг тақдири Оллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деган ишонч билан суғорилган. Ал-Мотуридийнинг фикрича, инсон имтиҳонлар учун яратилган. Шу билан бир вақтда, унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. Бинобарин, инсон ўз қилмишлари ва жамиятда ўзаро ҳамжиҳатликни сақлаш учун тўла жавобгардир. Ҳар бир инсон ўз ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси ва анъаналарига таянган ҳолда ҳар қандай вазиятда тўғри йўлни топа олиши мумкин. Диний қадриятлар ақл-идрок ёрдамида англаб етилиши кераклиги ҳақидаги ғоя ал-Мотуридий таълимотида марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ал-Мотуридий асарларида биз инсон ақл-заковати ва руҳининг қудрати ҳамда умумбашарий бирликнинг энг олий руҳий ифодасини кўрамиз. Буюк мутафаккир хотирасининг тикланиши, у қолдирган маънавий мероснинг чуқур ўрганилиши ўзбек халқининг миллий-маданий, шу жумладан, диний қадриятларни тиклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг янги қиррасини ташкил этади.

**З. МУНАВВАРОВ,**
**Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси.**
**А. АББОСОВА,**
**жамғарманинг етакчи мутахассиси.**

# ЁШ СПОРТЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани марказида қатор корхона, ташкилот, муассасаларнинг саъй-ҳаракати билан спорт-соғломлаштириш клуби ташкил этилди. Эндиликда бу ерда 50 нафардан зиёд ўсмир спортнинг каратэ, таэквандо, волейбол, қўл тўпи турлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда. Қишлоқларда клубнинг филиаллари очилиб, ҳаваскор спортчилар кундан-кунга кўпаяяпти.

«Соғлом авлод йили»нинг дастлабки ойида Термиз, Денов, Узун, Жарқўрғон туманларида ҳам соғломлаштириш клублари иш бошлади.

**«Туркистон-пресс»**


# НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қошидаги «БИЗНЕС МАРКАЗИ»
олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрловчи ҳамда касб-ҳунар ўргатувчи қуйидаги пулли курсларга тингловчилар

*қабул қилади.*

1. Олий ўқув юртига кирувчиларни тайёрловчи курс — ўқиш муддати 6 ой
2. Сертификат берувчи «Ҳисоблаш техникаси оператори» курси — ўқиш муддати 3 ой.
3. Ўрта ва олий мусиқа билим юртларига кирувчиларни тайёрловчи курс — ўқиш муддати 6 ой.
4. Сертификат берувчи «Лотин ёзуви асосида янги ўзбек алифбоси ва имлоси» ҳамда «Ўзбек тили» курси — ўқиш муддати 2 ой.
5. Олий ўқув юртига кирувчилар учун чизмачилик ва тасвирий санъат бўйича тайёрловчи курс — ўқиш муддати 6 ой.



Таълимлар юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционерлик жамоаси ва ҳакозо) буюртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама тузилган пулли-шартнома асосида амалга оширилади (тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади).
Ўқиш кундузги шаклда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этилади.
Курсларда ўқиш истагини билдирган ёшлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

*1. Университет ректори номига ариза.*
*2. Паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.*
*3. Шартномада белгиланган миқдордаги пул маблағининг университет ҳисобига ўтганлиги тўғрисидаги варақа.*
*4. 2 дона расм (3/4 ҳажмда).*

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
55-55-68, 55-50-77, 55-50-92

РЕКТОРАТ.

Has@2488


# ЧИНОР ЎРНИГА ҚАРАҒАЙ

*Шаҳарларимиз чиройи*

Асака шаҳри кўчалари бўйлаб юрсангиз, ажиб манзарага кўзингиз тушади. Йўл четларидаги ям-яшил арчалар, бўйчан қарағай ниҳоллари гўё қаҳратон қиш чилласини писанд этмай, баҳор нафасини уфураётгандай.

Коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бўлими ходимларининг саъй-ҳаракати билан Чирчиқ, Янгийўл, қўшни Қирғизистоннинг Новқат шаҳарларидан Хитой тераги, Сирдарёдан эса республикамизнинг иссиқ иқлимига мослаштирилган қарағай, ёнғоқ ва бошқа мевали дарахт ниҳоллари олиб келинди ҳамда улар йўл бўйларига ўтқазилди. Бу бир жиҳатдан саноат шаҳри ҳавоси мусаффолигини сақлашга хизмат қилса, иккинчидан, унинг чиройига-чирой қўшди. Қиш фаслида баҳорий яшилликни, ёз жазирамасида эса соя-салқинликни таъминлаяпти.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Дуторим, жон дуторим...*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА*

**аҳоли кенг қатламлари учун энг замонавий тўлов воситаси бўлган —**

***СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ** эгаларига ҳаёт ва саломатликни бепул суғурталаш имконини беради*




- Карточка эгаларига йилига 35 фоиз тўланадиган (ҳар ойда капиталлаштирилган) омонатлар очилади.
- Энг кам қўйилма миқдори - 150 сўм.
- Карточканинг амал қилиш муддати - 7 йил.

*Сўм пластик карточкалари супермаркетларда, дўконларда, маиший хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади, шунингдек, ҳисобварақа қайси жойда очилганидан қатъи назар, банкнинг исталган бўлим ёки филиалида пластик карточкалар бўйича нақд пул берилади.*

**Сўм пластик карточкаларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Мулоқот учун телефон: (371) 137-62-80.**







Best Bank in Central Asia as recognised by Euromoney

NBU

Has@2486


Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси вазирлик масъул ходими Султонмурод Тошимовга падари бузруквори **Чори ТОШИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва «1-Олий математика» кафедрасининг жамоалари кафедра мудири Ҳалим Латиповга акаси **Абдунаби ЛАТИПОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзавтотранс» давлат-акциядорлик корпорацияси жамоаси корпорация бошқаруви раиси Қаҳрамон Сидиқназаровга волидаи муҳтарамалари, республика миқёсидаги пенсионер **АНБАРОЙ аянинг** вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати адвокат Муборак Агзамовага турмуш ўртоғи **Акрам АГЗАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти ректорати ва жамоаси физика кафедрасининг мудири доцент Дилшод Миркомиловга волидаи муҳтарамалари **ФАРОҒАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТошКочавто» қўшма корхонаси жамоаси «Ўзавтотранс» корпорацияси бошқаруви раиси Қаҳрамон Сидиқназаровга волидаи муҳтарамаси **АНБАРОЙ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 017, 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Ғ. ЭШМУРОДОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6